

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ТАТИБ КЎРИНГ, ЎЗИМИЗНИНГ ИШКОМДАН!

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида халқимизга сархил узум навларини етказиб бераётган миришкор деҳқонлар жамулам бўлиши. Улар шу куни "Узум - 2014" мусобақасига бир-бирдан мазали ва энг сархил маҳсулотларини олиб келишди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, институт ҳамда USAIDнинг AgLinks Plus лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада барча узумхўрлик қилди.

Мусобақада кўплаб вилоятлардан 50 дан зиёд иштирокчи катнашди. Дастурга кўра, ҳакамлар хайъати узумларни баҳолашга қадар турли тақдимотлар уюштирилди. Фермер ва мутахассислар ўзаро фикр алмашишди. Айниқса, узумни қадоқлаш ва саралаш бўйича янгиликлар узоқ-яқиндан келганлар учун бирдек қизиқарли бўлди. Узумни териш ва қадоқлашнинг энг яхши усуллари, узум сақлашда олтингургуртли қороз пакетлардан тўғри фойдаланиш ва уларнинг афзалликлари ҳақида зарур маълумотлар берилди. Шунингдек, институт ходимлари узум навларини аниқлаш бўйича ўтказилган экспедиция натижалари билан ўртоқлашди. Турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш фирмалари, консалтинг марказлари ҳам кўргазма-стендлари билан қатнашди.

Хориқликлар соҳаватли она заминимизда етиштирилган узумларни татиб кўриб, ҳайратда қолишди. Қўли очиқ иштирокчилар мусобақадан сўнги узум маҳсулотларини меҳмонларга тортиқ қилишди.

(Давоми 2-бетда).

Кобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.



### Август конференцияси

## Янги ўқув йилига янги режалар билан

Халқимиз ҳар томонлама етук ва баркамол инсонларга, ўз ишининг моҳир усталарига "мактаб кўрган", "устоз кўрган" дея таъриф беради. Яъни, таълим-тарбия инсон ҳаётининг энг зарур, муҳим омил, умр йўллариини ёритувчи зиё чашмасидир.

Эрта-индин ўша зиё чашмаси, илм-маърифат ўчоғи - мактаб, лицей, коллеж, институт ва бошқа барча таълим масканларида янги ўқув йилининг биринчи кўнгириги чалинади, меҳри дарё ўқитувчи ва устозлар болажонлар истиқболига ошқадилар. 23 йилдан буён муқаддас истиқлол садоларига ҳамоҳанг янги-райидан биринчи кўнгирик мустақиллик бустонига чорловдек қалб-



ларни бекиёс завқ-шавққа тўлдирди.

Меҳрибон устозлари хузурига ошқабатган ўқувчилар, шоғирдларнигоҳидаги ҳадсиз ку-

вонч, шодликка эътибор берганимиз?! Бу ҳаққий меҳр-оқибат бешигида улғаяётган маъсум эзгуликдир!

(Давоми 2-бетда).

### Истиқлол иншоотлари

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрамими ҳамиша кўтаринки руҳда, катта ютуқлар ва албатта, муносиб тўғалар билан қарши олади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг кўтлуг 23 йиллиги кенг тантана қилинаётган шу кунларда вилоятимизнинг турли ҳудудларида янги иншоотлар фойдаланишга топширилаётгани ҳам юртдошларимизга шу аънамага хос байрамона кайфият улашмоқда. Энг муҳими, жойларда аҳоли учун бекиёс қулайликлар вужудга келаётир.

## ПИСКЕНТДА ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Куни кеча Пискент туманида фойдаланишга топширилган туман тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими худди шундай байрам иншоотларидан бири сифатида аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Унинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, фаоллар ва нурунийлар иштирок эттишди.

Таъкидлаш лозимки, 30 ўринли шифо маскани замон талаблари асосида барпо этилган бўлиб, зарур даволаш

ва ташхис анжомлари билан тўла таъминланган.

Илгари юқумли касалликларни даволашга мослаштирилган бинодан фойдаланилар эди, - дейди бўлим раҳбари, олий тоифали шифокор Холбўта Расулов. - Давлатимизга раҳмат, қисқа фурсатда шундай кўркам ва замонавий иншоот бино бўлди. Эндиликда бу ерда гепатит, ўткир диарея, ҳаво томчи инфекцияси каби бўлимларда беморларни малакали даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уз муҳбиримиз.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

### Тўғфа

Оҳангарон тумани ҳокимлиги қаршисидаги кўримли-кўримсиз биною иншоотлардан иборат 4 гектарлик кўҳна жой Мустақиллик байрами арафасида чинакам бунёдкорлик

майдонига айланди десак, муболага бўлмайди. Шу кунларда 50 га яқин мутахассис ва қурувчи бу ерда улкан истирожат боғи барпо этиш билан банд.

## ИСТИҚЛОЛ БОҒИГА МАРҲАМАТ!

Бу хайрли ишни тумандаги "Гули Лола" хусусий корхонаси ўз зиммасига олган. Боғда марказ аҳолиси эҳтиёжи эътиборга олинди қурилажак мўъжаз ресторан қад ростлайди, унинг яқин атрофларида қаҳвахона, миллий ошхона ва чойхоналар ўрин эгаллайди. Ҳар қадамда турли маҳсулотлар, жумладан, китоб савдоси билан шуғулланган майда-йирик дўконлар саф тортади.

Бугунги кунгача майдонда 150 миллион сўмлик ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Уч минг квад-



рат метрдан иборат йўлакчаларга асфальт ётқизилди.

- Биз Истиқлол байра-

ми арафасида туманимиз марказига яқин ҳудудларда яшовчи оилаларнинг

(Давоми 2-бетда).

## БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Ангрен шаҳрида қад ростлаган "Нозимхон Нур" МЧЖ, "Алп Шер Қудрати" чойхонаси, "Жамшид Ҳалол пишириқлари" қаҳвахонаси, "Карвон" чойхонаси, "Тантана" тўйхонаси байрам кунлари фаолиятини бошлади.

Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида яна 10 та иншоот фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Соғлом бола йили муносибати билан кўплаб соғломлаштириш мажмуалари, спорт майдонлари, болалар ўйингоҳлари байрамга муносиб тўғфа бўлади. "Гўзал" маҳалласидаги бўш ётган майдон тадбиркор

Фарход Абдуллаев ташаббуси билан болалар ўйингоҳи ва спорт майдонига айлантирилди. "Ёшлик" маҳалласидаги ташландик ерни тадбиркор Зоҳид Умиров ободонлаштириб, лойиҳа асосида футбол ўйингоҳи ҳамда автотомобиллар ювиш шахобчаси барпо этди.

Умида ИСАЕВА.

## ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Зангиота тумани Келес шаҳарчаси, "Ободлик" маҳалласидаги "Green Polar" оилавий тикувчилик корхонасида 11 хотин-қиз меҳнат қилади.

Бугунги кунда корхонада болажонлар учун бир-биридан бежирим либослар, шунингдек, ўн уч ёшгача бўлган болаларга кийимлар

тикилмоқда. Маҳсулотлар сифатли ва чиройли тикилгани боис талаб ортиб бормоқда.

Саодат МАКСУДОВА.

### Шукрона

## ҲАР СОНИЯ ҚАДРЛИ

30-йилларнинг қаҳатчилигини, Иккинчи жаҳон урушининг машаққатларини бошимдан кечирдим. Қиш қаҳратонида йиртик қалишда тизза бўйи қор кечиб, неча чақиримлаб пиёда Низомий

ўйлаб қарасам, мен илк бор ўқитган ўқувчиларимнинг ёши ҳам мана 70 ни қоралаб қолибди. Орадан канча суварлар оқиб ўтди-я... Уша пайтларда кўргазмали ўқув куролларини ўз қўлимиз билан ясардик. Ёмғир ёғса синфдан чакка ўтиб кетарди. Хоналар кишда ўтин, кўмир билан иситиларди. Зах йўлақлар, ним қоронғи синфхоналар, ноқулай парталар... Булар энди ўтмишда қолди.

Шукри, мустақиллик шарофати билан туманимизнинг барча мактаблари реконструкция қилинди, ян-

гилари қурилди. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Уларнинг пухта билим олишлари, хорижий тилларни ўрганишлари, спорт билан шуғулланишлари, ўз иқтидорларини намоян этишлари учун барча шароитлар яратилган.

Болагимизда бир бурда нонга зор эдик. Бугун юртимизда тўкин-сочинили. Истиқлол ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди, ўз-ўзимизни танидик, қадриятларимиз тикланди. Давлатимиз биз қарияларга алоҳида эътибор қаратиб, қадраётганидан юра-

азиз байрамимиз билан самимий табриқлаймиз. Ҳар бир оилада саломатлик ва баркамоллик қарор топаверсин!

Ҳўматилла НЎБИМОНОВ, Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.

### Муносибат

## ЮКСАК ЭҲТИРОМДАН МАМНУНМАН

Кўнгилларда байрам шуқуқи кезаётган шу кунларда қалбим яна бир тўғфа боис қувончга тўлди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 23 йиллиги муносибати билан турли соҳа ходимларини муқофотлаш тўғрисидаги Фармони ёш авлодни миллий истиқлол гоғлари руҳида тарбиялаётган юртдошларимиз қаторида менинг номим ҳам зикр этилди.

Мана ўн икки йилдирки, шаҳримиздаги қасбхона коллежида ёшларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ бериб келаман. Утган даврда дарсларни мукамал ўзлаштираётган қатор йигит-қизларимиз республика ва жаҳон спорт майдонларида муваффақиятларга эришмоқдалар. "Баркамол авлод" спорт ўйинларида шоғирдларимиз стол тенниси, енгил атлетика йўналишларида фаол иштирок этишди. Бу йил ҳам шахмат ва баскетбол бўйича қизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Коллежда дарс бериш билан бирга жамоатчилик асосида "Ўзбек жанг санъати" вилоят федерациясига раҳбарлик қиламан. Шу миллий спорт тури бўйича 2009 йилдан буён "Қаҳрамон" спорт клубини ҳам бошқараман. Аъзоларимиз WASCО - Бутунжаҳон Яққақураш ташкилотининг Испанияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида 4 та олтин, 5 та қумуш ва битта бронза медал-

ларини қўлга киритишди.

Шунингдек, клубимиз аъзоси С. Нишонова Wo MAU - Бутунжаҳон яққақураш фестивалларида, яъни 2012 йили Жаңубий Корея, 2013 йили Францияда ҳамда Америка Қўшма Штатларида ўтказилган мусобақаларда биринчи ўринни олиб, мамлакатимиз шароити муносиб химоя қилди.

Шоғирдларим эришган ютуқлардан руҳли бўлиб ўзим ҳам 2012 йили Сочи шаҳрида фахрийлар ўртасида ўтказилган мусобақада иштирок этдим ва Жаҳон чемпионлигини қўлга киритдим.

Албатта, бу муваффақиятлар ҳуқуқимиз биз мураббийларга яратиб бераётган шарт-шароитлар туфайлидир.

Қаҳрамон САТТОРОВ, Ангрен ахборот технологиялари ва саноат қасб-хунара коллежи жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, "Шуқрат" медали совриндори.

## ҚУВОНЧ ВА БАХТ ОЛИБ КЕЛМОҚДА

2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши биз шифокорларнинг зиммасига янада катта масъулият юкляди. Имкон қадар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ҳаракат қилаямиз.

Бутун мамлакатимиз аҳли Мустақиллигининг 23 йиллигини катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда. Истиқлол шодиёналарини ҳар бир оилага қувонч ва бахт олиб кирмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни энг улуғ, энг

азиз байрамимиз билан самимий табриқлаймиз. Ҳар бир оилада саломатлик ва баркамоллик қарор топаверсин!

Ҳўматилла НЎБИМОНОВ, Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори.



# Паркент тумани ХТМФМТ ва ТЭ бўлими

азиз юртдошларимизни ва  
вилоятимиз аҳлини

## Мустақиллигимизнинг

# 23 йиллиги

билан қизғин

табриклайди.

Хонадонларимиз

обод, маҳалларимиз

орапта, юртимиз

осойишта бўлсин!



## Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

### Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси

бунёдкор халқимизни шуқуҳли сана —

### Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги

билан табриклайди. Истиқлол йиллари юртимиз худуди, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимиз улкан қурилиш ва янгиланиш майдонига айланди. Қад ростлаган ва тикланаётган кўркам бино ҳамда муҳташам иншоотлар, давлатимиз қудрати ва салоҳиятидан сўзлаб турибди.

Азизлар! Эришаётган ютуқларимиз,  
муваффақиятларимиз бундан юксалаверсин!  
Бунёдкорлик, яратувчанлик ишларингизда  
омад ёр бўлаверсин!



## АРАВАЧАДАГИ САЁХАТ

Мавлон Тўраев ноғиронлик аравачасида мамлакатимиз бўйлаб салкам минг километр йўлни босиб ўтди. У бу ютуғини Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлады.

1 август куни Ангрденан бошланган марафоннинг кейинги бекатлари Олмалик шаҳри, Охангарон ва Бўка туманлари, сўнгра Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидан ўтди. 25 кунлик саёхат Тошкент шаҳри Темурийлар тарихи давлат музейи майдонида якунига етди. Бу ҳаёда иложисиз нарсанинг ўзи йўқ, дейди Мавлон Тўраев. — Мен болалигимдан хасталик туфайли аравачага миҳланиб қолганман. Лекин бу мен учун тўрт девор орасида камалиб туришига сабаб бўлмайди. Менинг хатти-ҳаракатим имконияти чекланган инсонларга намуна бўлишини, улар ҳам астойдил интилсалар мақсадларига етишларига ишонч ҳосил қилишларига туртки бўлишини истайман. Менга кўмак бераётган Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти ва бошқа ташкилотларга миннатдорчилик билдираман.

Мавлон Тўраев келгусида Термиз ва Навоий шаҳарларига отланмоқчи.

Хуршида НАЗАРОВА.  
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-муסיқа ва санъат мактабида маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар иштирокида энг улуг, энг азиз байрамимиз олдида "Мустақиллик ва ёшлар" тадбири ўтказилди.

## ЁШЛАР УЧУН МУСИҚА

Туман Қизил Ярим ой жамияти ва Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси бошчилигида ташкил этилган тадбирда асосий эътибор ёшлар ўртасида муסיқани оммалаштиришга қаратилди.

Йилгили сўнггида ҳомийлар иштирокчиларга эсдалик совғалари топширишди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.



### ЭБОЛА ҚИТЬАДАН ҚИТЬАГА КЎЧАЯПТИ

Франция ҳукумати фуқароларга Эбола безгаги туфайли Сьерра-Леоне ва Либерия сафарларидан воз кечишни маслаҳат берди. Reuters агентлигининг таъкидлашига кўра, мамлакат ҳукумати Сьерра-Леоне пойтахти Фритаунга самолётлар учушини тўхтатишни илтимос қилди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Сьерра-Леонедаги лаборатория етиштирилган ҳамда тиббиёт ходимлари бу ердан олиб чиқиб кетилгани ҳақида хабар берди. Сабаби — тиббиёт ходимларидан бири Эбола инфекциясини юктириб олган эди. Бугунга келиб, Эбола безгаги Гвинея, Сьерра-Леоне ва Либериядан ташқари, Нигерия, АҚШ, Британия, Германия, Канада каби давлатларда ҳам пайдо бўлаётгани аниқланаяпти. Ушбу эпидемия шу йил февралдан то август ойигача 1,5 минг кишининг вирусига зомин бўлди, ушбу хавфли вирусни юктириб олганлар эса 2100 кишидан ошди. Ачинарлиси шуки, унга қарши хануз ҳеч қандай дори-дармон топилмаппти.

### ПАРВОЗ ТЎРТ ЙИЛГА КЕЧИҚТИРИЛДИ

АҚШнинг аэронавтика ва космик бўшлиқларни тадқиқ этиш миллий бошқармаси (NASA) катта юк кўтарадиган навбатдаги космик ракетанинг синов парвозини 2018 йилга кечиктирди, дея хабар тарқатди Вашингтон пост газетаси.

NASA ишлаб чиқарадиган кучли ракета аэронавтиклари астероидлар ва охири-оқибат Марсгача олиб чиқиш имкониятига эга. Ушбу сериядаги ракеталар аэронавтиклари Ойга олиб чиққан Сатурн V ракеталаридан анча кучлидир. NASAning маълум қилишича, бундай ракета 7 миллиард доллардан кўпроққа тушади.

### СЕУЛ ПХЕНЬЯНГА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ

Агар КХДР ядро қуроллари билан боғлиқ жиҳазларидан воз кечса, Корея Республикаси унга халқаро инвестицияларни жалб этишга ёрдам бериши мумкин. Мамлакатнинг иқтисодиёт масалалари бўйича бош вазир Ўринбосари, режалаштириш ва молия вазир Чой Гён Хван шуни баён қилди. "Агар Шимолий Корея ядро қуролини яратишдан воз кечса, биз Пхеньянга халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқа боғлаши ва халқаро инвестицияларни жалб этишга ёрдам бериши мумкин."

### НЕФТЬ ЗАВОДИДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Индияна штати Уайтининг шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводида кучли портлаш юз берди. Маҳаллий шаҳар ўт ўчириш бошқармасидан хабар қилишларича, портлаш шу қадар кучли бўлдики, уни 3,5 километр нарида ҳам эшитиш мумкин эди. Шунга қарамай, ўт ўчирувчилар корхона вақиллари билан телефон орқали боғланишганда, улар содир бўлган авария оқибатларини ўз кучлари билан бартараф этишни удралашларини маълум қилишди.

Портлаш сабаблари, вайронгарчиликлар ёки жабр кўрганлар ҳақида хозирча ҳеч қандай хабар тарқатилмади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бўстонлик туманидаги 11-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 14.06.2010 йилда Собитов Элмурод Эркин ўғлига берилган U № 4565133 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "LONG RIVER TRADE" (ИНН 207115652) МЧЖ тугатиш жараёнини тўхтатиб, ўз фаолиятини янгидан бошлаганини маълум қилади. Телефон: 175-42-77.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "KORREKT MEBEL" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"OLIMPIYA GLOBAL INVEST" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Якка тартибдаги тадбиркор Саъдиев Камолитдин Соттибоевичга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"IPSIL TRADE" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "PREMIER LEASING" (ИНН 300832887), расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носыра, дом 48/39 сообщает о реорганизации общества путем присоединения к ООО "OPTIMA LEASING" (решение общего собрания участников ООО "PREMIER LEASING" от 07.08.2014 г.). Правопреимством по всем правам и обязательствам после реорганизации ООО "PREMIER LEASING" будет ООО "OPTIMA LEASING". В соответствии требованиями ст. 49 Закона РУз "Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью" кредиторы имеют право в течение 30 (тридцать) календарных дней с даты опубликования настоящего объявления потребовать прекращения или досрочного исполнения обязательств ООО "PREMIER LEASING" по адресу: г. Ташкент, ул. У. Носыра, дом 48, кв. 39 или по тел: 253-77-63.

Янгйўл шаҳар ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BUYUK BORIY VALIY" МЧЖга тегишли бўлган бир дон бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Жиноятга жазо муқаррар

Гиёҳвандликнинг инсоният наслига хавфи бутун дунё халқлари учун долзарб муаммолардан бири экани сир эмас. Бу иллатга қарши айни пайтда халқаро миқёсда қатъий кураш чоралари қўрилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, дунёда бугун тахминан 80 миллиондан зиёд одам гиёҳвандлик балосига йўлиққан. Уларнинг аксарияти турли касалликларга чалиниб, дунёдан бевақф кўз юммоқда. Энг ачинарлиси, мажруҳ чақалоқлар асосан гиёҳвандлар оиласида туғилаяпти. У ОИТС, гепатит, сил каби кўплаб юқумли касалликларни келтириб чиқаради. Европа ва бошқа мамлакатларда рўйхатга олинган 14 миллион гиёҳванднинг

2 миллиони ОИТС билан ҳам касалланган. Бугун юртимизда ҳар бир фуқаронинг ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиши учун барча қўлайликлар яратилиб, ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Бирок, шундай имкониятлар бўла туриб, ораимизда бировларнинг соғлиғи ва манфаатига зид ҳолда осонгина мўмай даромад топиш илжинида юрган қимсалар бор. Яқинда туман ички ишлар бўлими ходимлари

## ЯХШИ БЎЛСА ОШИНИ ЕЙДИ...

ўтказган "Қорадори — 2014" тадбирида гиёҳвандлик воситаларини етиштираётган бир фуқаронинг қилмишлари фош этилиб, фаолиятига чек қўйилди. Гап шундаки, Янгйўл тумани, Эски Қовунчи қишлоғи, "Дархон" маҳалласи, Абай кўчаси, 6-уйда истикомат қилувчи Жанибек Мирзахмедов томирқасида 110 туп кўкнори ва 67 туп нашини парваришлаб келган. Унинг қандай мақсадини кўзлагани кундай равшан. Суд унинг қилмишларини кўриб чиқиб, Жиноят

кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. 2013 йилнинг май ойида яна шу туман ва маҳалладаги Шодлик кўчаси, 5-уйда яшовчи Шухратжон Алматов ҳам ховлисидаги иссиқхонада 66 туп кўкнори парваришлаётгани аниқланди. Ш. Алматовнинг бу ишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ўз вақтида чек

қўйишди. У инсон соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдирувчи ўсимлик парвариши билан шуғулланиб келгани учун Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Айнан бир маҳаллада гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноят авж олгани яққол кўриниб турибди. Демак, маҳалла оқсоқоли ва фаоллар ҳам ке-

ракли хулоса чиқариб, бундай ҳол такрор содир бўлмаслиги учун зарур чора-тадбирларни кўриб борсалар, айни муддао бўлар эди. Хулоса шуки, бу иллатга қарши курашиш фақат тегишли идоралар ходимларининг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамиз эканини теран ҳис қилишимиз лозим. Токи, бу бало сизу бизнинг оиламиз, яқинларимиз, маҳалла-қўй ва юртоқларимизни безовта қилмасин. Ботир ТОШБЕКОВ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Рўзимурод Чориевга падари бузруквори КЎНФИРОТ отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси" жамоаси Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Рўзимурод Чориевга падари бузруквори КЎНФИРОТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Юқори Чирчиқ туманининг масъулияти чекланган  
жамият шаклидаги «UZGERMED PHARM»  
кўшма корхонаси барчани**



*Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги  
билан муборакбод этади!*



**Гуллаб-яшнаётган Ватанимиз  
тинч, осмони мусаффо, ҳаётимиз  
доимо фаровон бўлсин.**

Китоб жавонингизга

**ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР –  
ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**

Элвин Тоффлер, Дэниел Белл, Жон Нейсбит каби америкалик машҳур олимлар "Айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиётга эришади", деган фикрни илгари сурдилар. Зеро, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти таҳлилларига кўра, Швейцария, АКШ, Швеция, Британия, Голландия, Сингапур, Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларда инновацион ривожланиш жадаллашган сабабли, улар кун сайин тараққиёт этаётгани аниқланган.



Аслида, "инновация" инглизча "фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш" маъносини англатади. Инновацион технологиялар қишлоқ ҳўжалиги ривожини, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳалар самарадорлиги ошишини таъминлайди. Буни кўплаб ривожланган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Шунинг учун сўнги йилларда юртимизда инновацион ғоя ва технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион ғоялар ва илм-фани янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шаро-

итлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалага устувор аҳамият бермай туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда".

"Илм зиёси" нашриёт уйида chop этилган Камолжон Шодиметовнинг "Муқобил энергия манбаларидан ғойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари" номи кўлланим-сида иқтисодиётда инновацион технологияларнинг ўрни ва роли батафсил очиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш учун кенг табиий ва амалий имкониятлар мавжудлиги хусусида тўхталиб, ундан ғойдаланиш усуллари ҳамда афзалликлари ҳақида маълумот, тушунча, тавсиялар берилган. Қувонарлиси, қўлланмада вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар қайд этилган. "Ангрен" маҳсул индустриал зонаси ҳудудида умумий қиймати 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалари, турли катталликдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби маҳсулотлар ишлаб чиқари-

риш йўлга қўйилгани фикримиз исботидир. Дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатлари қайта тикланувчи энергия манбаларидан ғойдаланишни кенгайтиришдек муҳим вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Исроилда ғойдаланиётган миллионга яқин қўёш энергияси қурилмалари мамлакат иссиқ сув таъминотининг 75 фоизини қоплаётгани айни ҳақиқат.

Президентимизнинг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ушбу масаланинг долзарблиги таъкидланган. Минтақамизда қўёш энергиясидан ғойдаланиш учун шарт-шароит етарли экани қайд этилган. Чунки, мамлакатимиз иқлим шароитига кўра, йилнинг 300 кундан ортиги қўёшлидир. Шамол эсадиган ҳудудлар, оқар сувлар талайгина. Булар электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Қўлланмада, қайта тикланувчи энергия манбалари ривожланишининг асослари, ундан ғойдаланишни ташкил этиш ва иқтисодий истиқболлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, оилавий тадбиркорликда замонавий инновацион, қайта тикловчи энергия манбаларидан кенг ғойдаланиш масалалари ёритилган.

Bolalik bog'i

**KUZ GASHTI**



Августнинг со'нги туни саҳий қуёш mehr bilan yorita boshladi. Bu - kuzning birinchi tongi edi. Butun yoz bo'yi shoxda osilib charchagan daraxt yaproqlari birin-ketin yerga qo'na boshlaydi. Daraxtlar xuddi xirgoyi qilayotgandek nafis chayqaladi. Ammo, bularning bari Umid uchun ahamiyatsiz edi. Uning ko'ziga butun qishloq horg'in ko'rinar, bu esa unga sirayam yoqmasdi. Na chora! U qanchalik xohlamasin, baribir sevimli yoz fasli ortga qaytmaydi! Shu payt tashqaridan "Umid" degan tanish ovoz eshitildi. U ko'chaga chiqdi, eshik oldida ust-boshi chang bo'lib ketgan Botirjon turardi. - Yaxshimisan! Tez kiyimingni almashtirib chiq, bo'laqol! - dedi u shoshilib.

- Qayoqqa? - Hasharga, tezroq bo'lsang-chil! Umid ikkilanibgina yo'lga tushdi. Ular yurib-yurib, oxiri tarvuz-qovunlar g'arq pishib yotgan dalaga kelib to'xtashdi. U yerda bolalar tarvuz-qovun tashishardi. Dalaning narigi chetida esa yuk mashinasi turardi. Umid avvaliga erinibgina ish boshladi, keyin qiziqib ketdi. Chunki bolalar "kim ko'proq olib borish"ga o'ynashardi. Soat o'n ikkilarga yaqin ish tugadi. Umid bir qovun, bir tarvuzni orqalab uyga keldi, oila a'zolari jamuljam bo'lib, ularni baham ko'rishdi. Hamma xursand edi. Qiziq, Umid kuzning ham o'z gashti bor ekanini shu paytgacha bilmagan ekan. **Jasur NURBOYEV, Zangiota tumani, 14-maktab o'quvchisi.**

Кулганга нима етсин

Табриқлайман, дўстим, хотининг билан ярашганинг зап яхши иш бўлибди-да.  
- Қаёқдан олдинг бу гапларни?  
- Ахир кеча биргаликда жуда аҳил бўлиб ўтин арралаётган эдинглар-ку?..  
- Нималар деяпсан, кўрганинг ўтин эмас, мебель эди.  
- Бошлиқнинг хонасига кириб, столга қаттиқ муштраб, маошимини оширишни талаб қилдим.  
- Ҳўш, натижаси нима бўлди?  
- Ҳеч нима, чунки бошлиқ хонасида йўқ эди-да.  
Икки ит учрашиб қолишди. Бирини иккинчисига деди:  
- Ҳўжайинимни шу қадар кўлга ўргатиб олдимки, сўраиши учун ҳар гал панжамни кўтарсам, гўшт берадиган бўлди.

**Азиз юртдошлар!  
Муҳтарам вилоятимиз аҳли!**



**Сизларни жонажон юртимизнинг эрк ва озодлик тўйи билан,  
чин дилдан табриқлаймиз. Барчамизга фаровон турмуш,  
тинчлик-хотиржамлик, нурли келажак доимий ҳамроҳ бўлсин!  
Хонадонларимиздан қут-барака, хурсандчилик аримасин!**

**«Ўзбекиммаш заводи» ОАЖ жамоаси.**

<p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b> Муассис: <b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b></p>	<p>Бош муҳаррир <b>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</b></p>	<p>Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru</p>	<p>Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:</p>	<p>Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.</p>	<p>Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир <b>Сайёра РИХСИЕВА</b> Навбатчи <b>Муқаддас ИСРОИЛОВА</b> Саҳифаловчи <b>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</b></p>
--	--	---	--	---	---